

БОШКАРМАГА ХАТ

«УЗУН КУЛОК БОБО» ТЎГРИСИДА

Менинг «Узун кулок бобо» номлик 2 пардалик кулги асаримни окка кўчуруб ўзбек труппасига топширмак шарти билан мазкур труппанинг энг муктадир бир артисти олгон эди. Хозир шул асарнинг мазкур артист кўлида борлиги шубхалик бўлуб колди. Эшитганимга кўра, бечора асарим Самарканд санъат хаваскорларига «тортук» килиниб, бериб юборилгон эмиш. Шунинг учун газета оркали эшитдирмакчи бўламанким, бутун ҳақ ва ҳуқуқ ўзимда бўлгон ул асар қайда бўлса ҳам босдирилса ёки сахнага қўюлса, шунга алоқалик кишиларни ҳукмга тортгумдир.

Бошкармага хат («Узункулок бобо» тўгрисида) — Чўлпоннинг «Туркистон» газетаси тахририятига йўллаган мазкур - хати 1923 йил 18 февралда эълон қилинган. Маълумки, Чўлпоннинг драматик асарлари салмоғи ўнга яқин бўлгани ҳолда, бизгача биргина «Ёркиной»нинг матни, «Хужум» (В. Ян билан ҳамкорилқда) нинг режиссурасигина етиб келган. Мазкур хат Чўлпоннинг бизга маълум бўлмаган пьесаси ҳақида хабар берибгина қолмасдан, унинг йўқолиш сабабларини ҳам бирмунча ойдинлаштиради.